20____ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 37 (37), 2020 йил 14 март, шанба

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИНИ ҲАР БИР ИНСОН, ҲАР БИР ОИЛА ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар, зиёлилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Халқимиз ҳаётини янада яхшилашга йўналтирилган ислоҳотларимизни одамлар билан мулоқот ва маслаҳат асосида ишлаб чиқяпмиз. Хоразмга ҳам жойларда аҳолини қандай муаммолар ташвишга солаётгани ҳақида суҳбатлашгани келдим. Шунинг учун менга кўпроқ масала қўйсаларингиз натижа бўлади. Биз ёлғон, баландпарвоз гапириб шу аҳволга келдик. Президентга ёлғон гапириш — Ватанга хиёнат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоятнинг ривожланиш даражаси орқада қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан 1,5 баробар, саноат маҳсулоти ва хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича эса 2 баробар паст. Ҳудудда 58 минг оила камбағаллик бўсағасида кун кечирмоқда. Шундан 856 таси ўта ночор аҳволда. Кўплаб одамлар ишлаш учун хорижга кетган. Буларнинг барчасидан келиб чиқиб, Хоразмда 200 минг иш ўрни яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбари аҳолини тадбиркорликка жалб этган ҳолда, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш, шу орқали камбағалликни кескин қисқартириш асосий мақсад эканини таъкидлади.

Туман ва шаҳарларда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, банкларни "лойиҳалар фабрикаси"га айлантириш зарурлиги қайд этилди. 2,5 мингта бўш турган бинолар негизида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасини янги лойиҳалар билан тўлдириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ, туманларда пуллик хизмат кўрсатиш Урганч шаҳрига нисбатан 10–15 баробар пастлиги таъкидланиб, бундай объектларни кескин кўпайтириш кераклиги белгиланди.

Йиғилишда Президентимиз Хоразм вилоятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Яқин уч йилда умумий қиймати 24 триллион сўмлик 2 минг 736 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 50 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Ҳазорасп даги автомобиль заводида "Дамас" ва "Лабо" микровэнлари ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш даражасини 65 фоизга етказиш (ҳозир 27 ва 14 фоиз) бўйича янги лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоятда келгуси йилда пахтани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга, ип-калавани уч йилда бугунги 35 фоиздан 70 фоизга етказиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Малайзиялик инвесторларнинг 250 миллион доллар сармояси ҳисобидан йилига 63 минг тонна каустик сода ва хлор ишлаб чиқарадиган кимё заводи қурилади.

Сувдан унумли фойдаланиш, мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш, қовунчиликда "Хоразм нави" брендини яратиб, қовун етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Сайёҳлик салоҳиятини кенгайтириш мақсадида Шовот каналининг икки ёнида кичик туризм зонасини, Хивада "Хоразм хонлари шаҳарчаси"ни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари миллий санъатимизни тараннум этиш, хорижликларни юртимизга жалб қилиш мақсадида Хоразмда лазги бўйича халқаро фестиваль ўтказишни таклиф этди. Бу ташаббусни хоразмликлар мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига илгари келганида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи ташкил этиш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ лойиҳа таклифи тайёрланиб, бу галги ташриф чоғида намойиш қилинди.

Президентимиз ҳайкалнинг хомаки нусхасини синчиклаб кўрди. Мазкур ёдгорлик маҳобатли бўлиши, узоқдан ҳам яққол кўзга ташланиб туриши зарурлигини таъкидлади.

Боғ учун мўлжалланаётган майдон мутасаддилар билан муҳокама қилинди.

Жалолиддин Мангуберди — буюк саркарда бобомиз, миллатимизнинг фахру ғурури. Унга бағишланган майдон шунга яраша катта, мазмунли бўлиши керак. Боғ бўйлаб Мангубердининг озодлик учун кураши, жанглари ҳақида лавҳлар ўрнатилиши зарур. Бу ерга келган одам фақат ҳайкални кўрмай, ўзига билим, куч-қудрат олсин, сайёҳлар тарихимизни ўргансин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳани қайтадан пухта ишлаб чиқиш, транспорт ҳаракати учун қулайликларни инобатга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига сафари якунланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофликни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2028 йил 31 декабрга қадар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатидан тартибга солишга доир** миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда, шу жумладан, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш босқичида 1-иловада келтирилган **хорижий норматив ҳужжатлар қўлланишига рухсат этилади:**

маҳаллий лойиҳа-қидирув ташкилотларини жалб этган ва миллий норматив ҳужжатларга номутаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни ишлаб чиққан ҳолда, хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларининг мослаштирилиши;

зарур ҳолларда мослаштирилган лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан жалб қилинган мустақил хорижий мутахассислар ва консультантлар хизматлари учун тўлов харажатлари, ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларидан қатъий назар, буюртмачи (инвестор) томонидан қопланиши;

б) **2020 йил 1 июлдан:**

солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар) асосида автоматик тарзда шаклланадиган **лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинги жорий этилади;**

в) **2020 йил 1 сентябрдан:**

солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари (қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси ҳамда бошқа мезонлар) асосида қурилиш ишлари ҳажмлари ва объектларига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда автоматик тарзда шакллантириладиган **қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинги жорий этилади;**

г) **2021 йил 1 январдан:**

қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомиллари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг харид тартиб-таомилларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини баҳолашда уларнинг электрон рейтинги маълумотларидан фойдаланиш ва бошқа электрон тизимлар билан интеграциялаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, **электрон шаклда онлайн режимида амалга оширилади;**

қурилиш соҳасида ўтказиладиган давлат харидларида **электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар** (иш тажрибаси, молиявий барқарорлиги, штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги ва бошқа мезонлар) **бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган** лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларнинг иштирок этишига йўл қўйилади;

давлат харидларида иштирок этиш учун рухсат беришда электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларнинг **дастлабки малакавий баҳолашдан ўтиши, шунингдек, танлов (тендер) ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиши талаб этилмайди;**

давлат буюртмачилари ва давлат харид субъектлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари **комплекс экспертиза ўтказиш учун белгиланган муддатларда энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги бўйича мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт;**

қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомилларида ғолиб деб топилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари **ишлар (хизматлар) нархининг камида ўттиз фоизини ўз кучи билан бажариши бўйича талаб жорий этилади.**

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркорлик субъектларини буюртмачи функциясини бажаришга жалб қилиш бўйича эксперимент** (кейинги ўринларда — эксперимент) **ўтказиш тўғрисидаги** қуйидагиларни назарда тутувчи таклифига розилик берилсин:

Тошкент шаҳрида 2021-2022 йилларда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши режалаштирилган 10 та қурилиш объектини танлаб олиш;

энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра хусусий тадбиркорлик субъектлари билан инжиниринг хизматларини кўрсатиш (шу жумладан, техник назорат ва лойиҳа бошқаруви) юзасидан шартномалар имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан экспериментда иштирок этувчи қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатининг тасдиқланиши.

Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ МУМКИН

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Мамлакатимиз Президенти парламентга Мурожаатномасида 2020 йилда иқтисодиётдаги энг асосий вазифалардан бири инфляцияни жиловлаш экани, энди асосий эътибор нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтириш ва сифатни оширишга қаратилишини билдирди. Чунки истеъмол бозоридаги нархлар ва инфляция суръатининг ўсиб бориши нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг бошқа давлатлари иқтисодиётидаги "оғриқли нуқталар"дан саналади. Барча жабҳалардаги ислоҳотлар самараси, одамларнинг ҳаёт даражаси, янада аниқроқ айтганда, "истеъмол савати"нинг ҳолатию камбағалликнинг қисқариши ҳам айнан инфляция билан боғлиқ.

Давоми 3-бетда

ЕОИИда кузатувчи давлат сифатида иштирок этиш тарафдорлари ўз хулосаларини мамлакатнинг амалдаги қонунчилигини ушбу иттифоқда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, стандартлар, божхона тарифлари, фитосанитария ва карантин талабларини мақбуллаштириш ҳамда ташкилий-техник масалалар комплексини ҳал этиш зарурати билан ҳам изоҳладилар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 14 март, 37-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Белгилаб қўйилсинки, эксперимент танлаб олинган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, улар фойдаланишга топширилгунига қадар амалга оширилади.

3. **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошида** давлат муассасаси шаклида **Қурилишда техник меъёрлаш маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қурилишда меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб бориш;

қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириш;

бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талабларини, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

норматив, шу жумладан, хорижий ҳужжатларнинг илмий-техник кутубхонаси ва электрон базасини ташкил қилиш ва юритиш;

хорижий ва халқаро ташкилотлар, консультантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказининг бошқарув ходимлари чекланган сони 20 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ХМИ/ХҲМТнинг техник кўмак маблағлари (грантлари) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказ штат бирликлари тегишли вазирлик ва идораларнинг бошқарув ходимларини 2020 йилда мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда 2020-2023 йилларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

миллий норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш қурилиш соҳасида тажрибага эга бўлган хорижий компанияларни жалб этган ҳолда амалга оширилади;

тармоқ вазирликлари ва идоралари ишлаб чиқилган ва қайта кўриб чиқилган норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни тасдиқлашдан олдин уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига келишиш учун мажбурий тартибда киритилишини таъминлайди;

тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш ишларининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ислоҳ қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Раматов):

вазирлик ва идораларнинг норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш фаолияти мувофиқлаштирилишини;

вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлар, шу жумладан, техник топшириқлар ва танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқиш бўйича йиллик ва узоқ муддатли дастурлари келишилиши ва уларнинг ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ой муддатда қурилиш тармоғини ислоҳ қилиш, шу жумладан, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида халқаро экспертлар ва консультантларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

2020 йилда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш, шунингдек, халқаро экспертлар ва консультантлар хизматлари тўловини амалга ошириш учун бир ой муддатда **Қурилиш вазирлигига** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан **15 миллиард сўм ажратилишини** таъминласин;

2021-2023 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур бўлган маблағларни ажратишни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда илғор хорижий тажриба асосида, бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва бошқа мезонларга қараб минимал талабларни табақалаштирган ҳолда қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид меъёрларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини, шу жумладан, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича талабларни такомиллаштиришга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда қуйидагилар ишлаб чиқилишини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2020–2025 йилларга мўлжалланган стратегияси;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларга номутаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни келишиш ва тасдиқлаш тартибини;

"fast-track" усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан "тайёр ҳолда топшириш" шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибини;

б) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини киритсин:

икки ой муддатда — экспериментда иштирок этаётган қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тасдиқлаш ҳақида;

эксперимент натижасидан келиб чиқиб ҳамда илғор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда — марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган ва буюртмачи функциясини хусусий тадбиркорлик субъектлари бажарадиган объектлар қурилишини ташкил қилиш ва молиялаштириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар қошидаги қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматлари фаолиятини ислоҳ қилиш ҳақида;

в) Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар **кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солувчи** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қуйидаги талабларни ўрнатиш назарда тутилсин:

улуш киритиш асосида уй-жойларни қуриш учун маблағларни жалб этишдан аввал келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг мавжуд бўлиши, қурувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамларида жамланадиган улуш қўшганларнинг маблағларидан мақсадсиз фойдаланишни чеклаб қўйиш;

қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этиш бўйича шартномаларни мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш учун маблағларни жалб этувчи қурилиш ташкилотларининг ягона реестрини юритиш;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар **касбга мувофиқлик сертификатлари берилишини таъминлаган ҳолда қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;**

д) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини яратиш доирасида:

2020 йил 1 апрелга қадар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатини аниқласин ҳамда уларни вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этиш тартиби белгилансин;

электрон рейтингларни жорий этиш учун ўрнатилган муддатларда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирган ҳолда зарур дастурий таъминотни ишлаб чиқсин;

е) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов — мазкур Фармоннинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодиёт ва саноат вазири Ж.А.Қўчқоров — қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларига илғор хорижий тажрибанинг жорий қилинишини, шунингдек, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И.Закиров — лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, идоравий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш соҳасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш.С.Хидоятов — барча миллий норматив ҳужжатларнинг босқичма-босқич ва сифатли ишлаб чиқилиши ва қайта кўриб чиқилишини, қурилиш соҳасига, шу жумладан, харид тартиб-таомилларига илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Хаджаев — мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар ташкил этиб, мақолалар ва тематик телекўрсатувлар эълон қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 март

ҲУКУМАТДА ЕОИИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ, ЭНДИ СЎЗ ПАРЛАМЕНТГА

Тоҳир МАЛИКОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 6 март куни мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги юзасидан олиб борилган таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари якуни бўйича тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтганлиги кўплаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб қилди.

Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, молия институтлари, ишбилармон доиралар вакилларидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар ва жалб этилган нуфузли экспертлар Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этиб, ташкилотга аъзо давлатлар тажрибасини ўрганди. Ушбу маълумотлар асосида натижалар ва хулосалар тақдим этилди.

Ҳукумат йиғилишида мазкур материаллар атрофлича муҳокама қилиниб, ЕОИИ билан турли форматдаги (тўлиқ аъзолик, кузатувчи давлат ва ЕОИИ+1) ҳамкорлик кўриб чиқилди ва турли нуқтаи назарлар билдирилди.

Айрим гуруҳлар раҳбарлари вазминроқ позицияда туриб, ҳозирги босқичда ЕОИИда кузатувчи мақоми афзаллиги бўйича таклифни илгари суришди. Масалан, "Ўзавтосаноат" АК раҳбарияти шундай сценарий тарафдори бўлди. Уларнинг фикрича, кузатувчи мақоми ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизация қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун захираларни излаб топиш ва уларнинг таннархини пасайтириш чораларини кўриш учун вақт беради.

ЕОИИда кузатувчи давлат сифатида иштирок этиш тарафдорлари ўз хулосаларини мамлакатнинг амалдаги қонунчилигини ушбу иттифоқда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, стандартлар, божхона тарифлари, фитосанитария ва карантин талабларини мақбуллаштириш ҳамда ташкилий-техник масалалар комплексини ҳал этиш зарурати билан ҳам изоҳладилар.

Бир қатор экспертлар фикрича, бундай мақом ЕОИИга аъзо давлатларнинг иқтисодиёт тармоқларини ташкилот маконида қабул қилинган талаб ва қоидаларга мослаштириш борасидаги тажрибасини ўрганиш учун зарур вақтга эга бўлиш имконини беради.

Бироқ сценарийнинг бундай ривожланиши, назаримизда, юқорида келтирилган чора-тадбирларни жадал суръатлар билан амалга ошириш, мазкур ташкилот аъзолиги даврида йўқотиладиган манфаатларни ҳам унутмаслигимиз кераклигини тақозо этяпти.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан реал иқтисодиёт секторидаги корхоналарнинг қатор раҳбарлари ЕОИИ билан жадал интеграцияни қўллаб-қувватладилар. Уларнинг фикрича, мазкур иттифоққа қўшилиш ЕОИИнинг кенг кўламли бозорини ҳисобга олган ҳолда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини сезиларли даражада ошириш, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш (жумладан, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўли билан), республиканинг транспорт-коммуникация салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инфратузилмани такомиллаштириш, тарифлар ошкоралигини таъминлаш ва янги йўналишлар очиш орқали мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллиондан 16 миллион тоннагача (2,3 баробар) етказиш мумкин. Қолаверса, ЕОИИ билан яқин ҳамкорлик Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вакили ҳам бир қатор яққол афзалликларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ иштирокчи сифатида ЕОИИга қўшилишга даъват этди. Унинг қайд этишича, ушбу қадам ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Вазирлик маълумотига кўра, уларнинг аксарияти, яъни икки миллиондан ортиқ киши ЕОИИ мамлакатларида ишламоқда. Бугунги кунда улар, аввало, рўйхатга олиш, ишга жойлашиш, юқори сифатли ижтимоий, тиббий-ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш, ўзларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш борасида турли тўсиқларга дуч келмоқда.

Бундан ташқари, ЕОИИнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига кўра, аъзо давлатлар фуқароларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома (патент)ни расмийлаштириш талаб этилмайди ва ташкилот иштирокчиси бўлган давлатда вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан бўлиш муддати узаяди, ҳеч бир қўшимча жараёнларсиз фуқароларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларининг тўғридан-тўғри тан олиниши ҳуқуқи кафолатланади, ишлаётганларнинг фарзандлари учун эса мактабгача таълим муассасаларига қатнаш ҳамда ўрта ва олий таълим олиш ҳуқуқи назарда тутилади.

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши нафақат фуқароларимизнинг ҳуқуқий-ижтимоий мавқеини яхшилайди, балки даромадлари ошган ҳолда турмушлари фаровонлиги ва сифатининг ошиши учун қўшимча имкониятлар тақдим этади.

Бундан ташқари, ЕОИИ доирасида сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланиш масалалари ижобий ҳал этилиши мумкин. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик Марказий Осиё миқёсида сувдан янада самарали фойдаланишга шароит яратади.

ЕОИИ Марказий Осиёда нисбатан арзон электр энергияси ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга кўмаклашувчи ягона электр энергияси бозорини вужудга келтириш имкониятига ҳам эга.

Ҳукумат йиғилишида, шунингдек, ЕОИИ билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига тўсиқ бўлмаслиги ҳамда кўпгина талабларнинг бир хиллиги ҳақида ҳам сўз борди. Қолаверса, ЕОИИга аъзо беш мамлакатдан тўрттаси аллақачон ЖСТ таркибига кирган.

Етакчи маҳаллий ва хорижий экспертлар ЕОИИ билан интеграциялашиш мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини секинлаштирмаслигига, аксинча, тезлатгич вазифасини ўташига ишонч билдирдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШҲБ)ни тузиш жараёнларини фаоллаштириш, шунингдек, "Умумий имтиёзлар тизими плюс" (GSP+) бенефициар мақомини олиш тартибини жадаллаштиришга қаратилган аниқ вазифаларга эътибор қаратилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон айни пайтда Европа Иттифоқи бозорига пасайтирилган тариф ставкалари ва божлари бўйича товарларни экспорт қилиш имконини берувчи асосий GSP тизимига аъзо. GSP+ режими тариф линияларининг 66 фоизи бўйича Европа Иттифоқи бозорига қўшимча тариф имтиёзлар ва божсиз киришини таъминлашни назарда тутади, бу эса истиқболда Ўзбекистон компанияларининг ЕИ мамлакатларига экспорти ҳажмини икки баробар ошириш имконини беради.

Айрим экспертларда ЕОИИга қўшилгач, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан иқтисодий алоқалари пасайиши мумкин, деган хавотир бор. Бироқ, фикримизча, истиқболда ривожланган давлатга айланиш учун қатъий мўлжал олинганда, бундай хавотирларга ўрин қолмайди. Бунинг учун биз келгусида ҳам дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларидан юксак технологиялар, юқори самарадор машина ва механизмлар, замонавий қурилиш материаллари, алоқа воситалари ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олишни давом эттирамиз.

Республикамизнинг бу борадаги барча қадамлари, аввало, мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

Ҳукумат Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликни чуқур таҳлилий ва ҳар томонлама баҳолаш натижаларини сарҳисоб қилиб, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилади. Фикрлар хилма-хиллиги ва баҳс-мунозараларга қарамай, учрашув иштирокчилари мамлакатнинг ушбу ташкилот билан салмоқли салоҳиятга эга мустақил шерик сифатида ҳамкорлик қилиши бўйича якдиллигини билдирдилар.

Ҳукуматда бўлиб ўтган ҳар томонлама муҳокама таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур қадамнинг ижобий ва салбий томонларини ўрганган гуруҳлар мамлакатимизнинг ЕОИИ билан кузатувчи ва тўлақонли иштирокчи сифатидаги мақоми тарафдорлари сони тенг миқдор атрофида бўлди. Бу эса якуний қарор ҳали ҳам савол остида турганидан далолат беради.

Инфляция даражаси нархлар индекси (истеъмол нархлари индекси) ёрдамида ўлчанади. Агар унинг даражаси ривожланган давлатларда йиллик 3–5 фоиз, ривожланаётган мамлакатларда 6–10 фоиз атрофида бўлса, иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча фойда келтиради.

КУН МАВЗУСИ

ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ МУМКИН

Бошланиши 1-бетда

ИНФЛЯЦИЯ НИМА?

Кўпчилик инфляцияни нархлар ошиши, деб ҳисоблайди. Назариётчилар уни нархлар умумлаштирилган ҳолатнинг ортиши деса, иқтисодчилар миллий валютанинг харид қобилияти барқарорлигини таъминлайдиган товарлар, хизматлар ва чет эл валюталарига нисбатан қадрсизланиши, деб билади. Мазкур фикрларни умумлаштириб, инфляция мамлакат ичида миллий валюта харид қобилиятининг пасайиши жараёни бўлиб, аввало, нархларнинг умумий даражаси кўтарилишида ифодаланади, деган хулосага келиш мумкин.

Инфляция даражаси нархлар индекси (истеъмол нархлари индекси) ёрдамида ўлчанади. Агар унинг даражаси ривожланган давлатларда йиллик 3–5 фоиз, ривожланаётган мамлакатларда 6–10 фоиз атрофида бўлса, иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча фойда келтиради. Лекин бундан юқориси тараққиёт учун жиддий хавфдир. Чунки у харид қобилиятини пасайтиради ва бундан аҳолининг кам таъминланган қисми азият чекади. Нархлар ошиб борганда уларнинг даромади камаяди ва топган-тутганларини жорий харажатлар "ютиб" кетаверади.

Йиллик 20 фоиздан юқори инфляция "катта одимловчи" тоифага ўтади ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш ва инвестиция киритишга қизиқишни сусайтиради. Одатда ҳар бир мамлакат уни барқарор даражада, яъни фойда келтирадиган ҳолатда сақлаб туриш учун курашади. Чунки барқарор инфляция даромадга таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилади, аҳоли бандлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам 2020 йилда таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали инфляцияни 2021 йилда бир хонали сонга ва 2023 йилда 5 фоизга тушириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

"ЭРТАКЛАР ОЛАМИ" МАЪЛУМОТЛАРИ

Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ҳисоботида келтирилишича, 2016 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда инфляция даражаси 2,5 фоизни ташкил этган. Хорижий ҳамкасбимиз бу маълумотдан таажжубланиб: "Агар чиндан ҳам шундай бўлса, жуда яхши кўрсаткич. Аммо амалда у неча фоизни ташкил этади?", деган саволни ўртага қўяди. Ўша пайтдаги дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол маҳсулотлари нархлари ўсишини солиштириб, юртдошларимиз бу рақамларни "эртаклар олами"дан олинган, деб ҳисоблашаётганига урғу беради. Ўша йили йиллик инфляция даражаси 5,7 фоизга тенг бўлгани айтилганди. Аслида бу рақамлар юксак минбарлардан янграганда, одамлар мийиғида кулиб қўйишган ва кўрсаткичларнинг нореаллигини яхши билишган.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ана шу ҳолатларни эслар экан: "Биз узоқ йиллар катта-катта рақамларга маҳлиё бўлиб юрдик. Лекин бу рақамлар халқимизга манфаат келтирмади", деган эди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришиши билан инфляция бўйича "мўъжизакор" рақамлар чок-чокидан сўкилиб, статистик маълумотлардан асл кўрсаткичлар ўрин ола бошлади. Ҳукумат биринчи маротаба 2017 йил якунлари бўйича инфляция даражаси юқори бўлиши кутилаётганини, келаси йил ҳам баланд даража прогноз қилинаётганини ошкор этди. Аслида ҳам шундай бўлди: 2017 йилда истеъмол нархлари индекси 14,4 фоизни, 2018 йилда эса 14,3 фоизни ташкил қилди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич янада юқорилади — 15,2 фоиз!

Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоровнинг қайд этишича, 2017 йилнинг сентябрь ойида Президентнинг статистика тизимини такомиллаштириш ва Халқаро валюта жамғармаси(ХВЖ) нинг маълумотларни тарқатиш умумий тизимига қўшилиш ҳақидаги қарори чиққач, статистика соҳасида катта ўзгаришлар кузатилди. Натижада энди ҳеч бир халқаро молиявий институт Ўзбекистон нореал кўрсаткичларни эълон қилишини хаёлига ҳам келтирмаяпти.

ИНФЛЯЦИЯНИ ҲИСОБЛАШ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда инфляцияни ҳисоблаш ХВЖнинг техник ёрдами билан 1994 йилдан амалга оширила бошланган. Дастлаб ҳисоб-китоблар бўйича товарлар ва хизматлар рўйхати 285 та маҳсулотдан ташкил топган бўлса, бозор иқтисодиётининг ҳақиқий талабларидан келиб чиқиб, ушбу рўйхат 2020 йилдан эътиборан 510 тага кенгайтирилди.

— Унда нафақат бирламчи эҳтиёжларни қопловчи нон, ун, ёғ, гўшт, коммунал хизматлар сингари ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ёки хизматлар, балки автомобиль, ёқилғи, заргарлик буюмлари, қишлоқ хўжалиги анжомлари каби ижтимоий муҳим бўлмаган маҳсулотлар ҳам қамраб олинган, — дейди Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Умар Мухторов. — Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда нарх-наво омилларидан ташқари (яъни товар ва хизматлар нархларининг ҳақиқий нарх ўзгариши) аниқ турдаги товар ва хизматларнинг салмоқ вазнлари таъсири ҳам инобатга олинади. Шу йўл билан статистика ходимлари истеъмол нархлари индексини аниқлаб, республиканинг барча ҳудудларидаги танлаб олинган аниқ турдаги товар ва хизматлар нарх ўзгаришларининг ўртачасини ҳисоблайдилар.

Молия вазири ўринбосари Аҳадбек Ҳайдаровнинг фикрича, маҳсулотларни икки турга бўлиш керак: монопол ва ижтимоий характерга эга товарлар. Улардан муайян қисминг нархи давлат томонидан тартибга солиниши давом эттирилади. Масалан, жамоат транспорти нархлари ёки олий таълимдаги контракт тўловлари ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархи. Уч йил давомида монопол характерга эга бўлмаган, илгари давлат томонидан тартибга солинган кўплаб товарлар нархи эркинлаштирилди. Масалан, қурилиш моллари, цемент, металл буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, шакар, ўсимлик ёғи, кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар, полиэтилен ва бошқаларники.

Электр энергияси, табиий газ, иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув нархларини тартибга солиш давом эттирилади. Уларнинг нархи фақат таннархини қоплаш ва инфляция даражасидан келиб чиқиб ўрта ва узоқ муддатга белгиланади. Электр энергияси, табиий газ борасида бозор муҳити яратилганидан кейин уларнинг нархларини эркинлаштириш масаласи кўриб чиқилади.

ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИ

Халқаро тажриба бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усулларидан бири инфляцион таргетлаш режими эканини кўрсатмоқда. Бунда Марказий банкнинг пул-кредит бозоридаги фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг мунтазам таҳлили ва давлат сиёсати режаларининг кенг ёритиб борилиши инфляциянинг миқдорий мақсадларига эришишни таъминлайди. Ўзбекистон Президентининг ўтган йил 18 ноябрдаги "Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида ҳам бу борадаги вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Унга мувофиқ, Марказий банк инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион кўрсаткич ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишга киришди. Тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги, жумладан, давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада бериляпти.

Нима учун бу режимга аввалроқ ўтилмади, деган савол туғилиши табиий. Чунки ўтган йилга қадар уни жорий этишнинг ҳуқуқий ва амалий асослари яратилмаган эди. Эндиликда валюта сиёсатини либераллаштириш, айирбошлаш курси шаклланишининг бозор шароитларини яратиш бўйича чоралар кўрилди. Марказий банкнинг устувор мақсадлари аниқ белгилаб берилди, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш фаол босқичга ўтиб, инфляцияни ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолаш услубияти такомиллаштирилди.

КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархи тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилаётгани, халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозимлиги қайд этилди. Бунинг учун табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Шу билан бирга, истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда "даладан дўконгача" бўлган узлуксиз занжирни яратиш, бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш каби вазифаларни қамраб олади.

Мазкур вазифаларни бажариш борасида ҳукумат томонидан изчил ишлар олиб бориляпти. Лекин одамлар бунинг самарасини ўз ҳаётида, дастурхонда сезмас экан, ҳар қандай хайрли ишнинг савоби ва самараси кўринмайди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида инфляцияни жиловлаш бўйича қандай натижалар бор, деган савол келиб чиқади.

— Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилнинг январь-февраль ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 2,4 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 0,8 фоиз, хизматлар 0,6 фоиз қимматлаган, — дейди Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Умар Мухторов. — 2019 йилнинг ана шу даврида эса мазкур кўрсаткичлар мос равишда 4,9, 2,0 ҳамда 1,3 фоизга тенг бўлган. Демак, истеъмол секторидаги инфляция даражаси дастлабки икки ойда 1,4 фоизни ташкил этиб, ўтган йилги 3,1 фоиз кўрсаткич билан қиёслаганда икки баравардан кўпроққа қисқаргани аён бўлади.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Мурожаатномада йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилиши қайд этилган эди. Бу борада ҳам амалий қадам қўйилиб, улар миқдори 1 февралдан бошлаб 7 фоиз оширилди.

Инфляция, инфляцион жараёнлар, унинг олдини олиш, сабаблари ҳамда оқибатларини бартараф этиш, қисқача айтганда, бир зумда ҳал этиладиган масала эмас. Давлатимиз раҳбари инфляция даражасини янада пасайтириш борасида белгилаб берган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун замин яратади, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

ҚАДРИЯТ

ОБОДЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТИМСОЛИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИГА АСОСАН, ШУ ЙИЛ 14-15 МАРТ КУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДИДА "ОБОД ЮРТ" УМУМХАЛҚ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ

Умумхалқ байрамлари ёки тўй-тантаналар арафасида уй-жойларни тартибга келтириш, атроф-муҳитни саранжом-саришта қилиш халқимизнинг азалий анъаналаридандир. Бу қадрият юртдошларимизнинг покизаликка интилиш, тўғрилик, ҳалоллик сингари эзгу одатларига уйғун тарзда ҳар йили ўтказиладиган ҳашарларида яққол намоён бўлади.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Жумладан, бу йил 14-15 март кунлари ўтказиладиган хайрия ҳашари ҳам баҳорнинг ташрифи, она табиатнинг уйғонишига ҳамоҳанг тарзда халқимизнинг юртимизни янада обод этиш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида кам таъминланган оилалар, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож юртдошларимизга меҳр-шафқат қўлини чўзиш, эзгу ишга ёшларни ҳам жалб қилиб, бобомерос қадриятларимиз моҳиятидан хабардор этишга хизмат қилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг ободонлаштириш ва тозалик тадбирларини янада кучайтириш, хайрия ҳашари ўтказиш ҳақидаги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан жойларда ҳашарни ташкиллаштириш, уюшқоқлик билан ўтказиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов. — Хайрия ҳашари муносабати билан "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш, хусусан, иқтисодий томондан қийналган оилаларни, ногиронлиги бўлган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, "Меҳрибонлик", "Мурувват", "Саховат" уйларида яшовчи фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилаш режалаштирилган. Шунингдек, замонавий маҳалла гузарлари барпо этиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳашарда амалга оширилиадиган чора-тадбирларимиздан бири.

Хайрия ҳашари давомида 25 минг гектардан ортиқ майдонларни ободонлаштириш, 20 минг тоннадан зиёд чиқиндиларни чиқариб ташлаш, 11 минг километрдан ортиқ узунликдаги ариқ ва лотокларни тозалаш, 9000 тадан ортиқ қабристон ва 860 тага яқин зиёраттоҳларни ободонлаштириб, тартибга келтириш, 4 миллиондан ортиқ манзарали, 2 миллион мевали дарахт кўчатларини экиш, 3 миллиондан зиёд гул кўчатларини ўтказиш, 4 миллионга яқин дарахтларни оқлаш ва уларга шакл бериш режалаштирилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 11 мингдан ортиқ техника воситалари жалб этилади.

Шунингдек, ҳашар кунлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўйича ҳам қатор ишлар кўз тутилган. Жумладан, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида 11 минг нафарга яқин кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда ёрдамга муҳтож фуқаролар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади. 12 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларнинг 293 минг квадрат метрга яқин уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланади.

— Ҳашарнинг халқимиз ҳаётида тутган маънавий аҳамиятини ёшларга тушунтириш, азалий эзгу қадриятимизнинг давомийлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда "Hashar week 2020-Z Avlod" лойиҳаси доирасида 14 март куни мамлакатимиз миқёсида экологик акцияларни ташкил этиш ва дарахтлар экиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилади, — дейди вазирликнинг бошқарма бошлиғи Турғун Қирғизбоев. — Ҳашарда 12 миллион юртдошимиз, жумладан, 7 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг ободонлаштириш ва тозалик тадбирларини янада кучайтириш, хайрия ҳашари ўтказиш ҳақидаги фармойишида умумхалқ хайрия ҳашари доирасида бўлмаган бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан, қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳолда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Анча мунозарали янгиликлардан бири шуки, фуқароларнинг мажбурий бадал ёки тўловларни тўлаши бўйича якуний ҳисоб-китоб жорий йил тугаганидан сўнг амалда бажарилган ишларнинг ҳажми, сифати ва бажарилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 14 март, 37-сон

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КЎП ХОНАДОНЛИ УЙЛАР
ЭНДИ ҚАНДАЙ БОШҚАРИЛАДИ?

Комрон НИГМАТОВ,
"Мадад" нодавлат нотижорат ташкилоти бўлим бошлиғи

ЯНГИ ҚОНУН ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йили 7 ноябрь куни қабул қилинган "Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида"ги қонуни эски таҳрирларидан бир қанча концептуал жиҳатлари билан фарқланади.

Бу меъёрий ҳужжатни кўп квартирали уйларни бошқаришга қаратилган учинчи уриниш деб ҳисоблаш мумкин. Соҳани тартибга солувчи дастлабки қонун 1999 йили, унинг иккинчи — янги (амалдаги) таҳрири 2006 йилда қабул қилинган. Қонунчилик амалиётида бир хил қонун 20 йил ичида уч марта бутунлай янги таҳрирда қабул қилиниши кам учрайдиган ҳодисадир.

Меъёрий ҳужжатдаги дастлабки янгилик шуки, биринчи марта "кўп квартирали уй" тушунчасига изоҳ берилди. Илгари бундай атама мавжуд эмас эди. Қонунда қайд этилишича, кўп квартирали уй — бу кўп квартирали уйга туташ ер участкасига ёхуд бундай уйдаги умумий фойдаланиладиган жойларга мустақил чиқиш йўлакларига эга бўлган бор-йўғи икки ва ундан ортиқ квартиралар мажмуидир.

Қонунда ерга оид ҳуқуқлар янада ойдинлаштирилди. Жумладан, кўп квартирали уйга туташ ер участкаси айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши белгиланди.

Муҳими, мулкдорлар зиммасига мазкур ер участкасининг санитария ҳолати ва ободонлаштирилиши учун жавобгарлик юклатилди.

Мамлакатимиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари авжига чиққан айни паллада янги қурилаётган объектларга нисбатан жамоатчиликда саволлар пайдо бўлмоқда. Қонунда энди янги уй қуришдан олдин мазкур талабларни ўрганиб чиқиш шартлиги белгиланган.

ЭҲТИЁЖМАНДЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Кўп квартирали уйларни бошқариш органларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидан бири кам таъминланган оилаларга кўп квартирали уйларни сақлаш бўйича ёрдам кўрсатишдан иборат бўляпти. Бу ҳолат аҳолининг ойлик мажбурий бадал ("квартплата") тўлашга қийналиб қолган қатламига имтиёз, моддий ёрдам ёки бошқа қулайликларни яратишда ифодаланса, ажаб эмас.

Қонунга киритилган яна бир янгиликда бошқарувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқарувчилари, ширкатлар бошқаруви раисларини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга кўп квартирали уйларни бошқариш учун малака сертификатини бериш назарда тутилган. Бу тартиб уй-жой хусусий мулкдорлар ширкати ходимларининг юксак касбий малака ва маданиятга эга бўлишини таъминлайди.

Кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасига биринчи бор давлат аралашуви қонунан белгиланмоқда. Жумладан, бу борадаги давлат назорати Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади.

МАЖБУРИЙ БАДАЛ МИҚДОРИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Энди хонадонлар мулкдорларининг мажбурий бадал ёки тўлов миқдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартиби Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Анча мунозарали янгиликлардан бири шуки, фуқароларнинг мажбурий бадал ёки тўловларни тўлаши бўйича якуний ҳисоб-китоб жорий йил тугаганидан сўнг амалда бажарилган ишларнинг ҳажми, сифати ва бажарилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Маблағлар етмаган тақдирда ҳисобот йилидан кейинги даврдаги тўловларга қўшилади ва қайта ҳисоб-китоб қилинади. Мабодо ортиқча маблағ тўланса, келгуси тўловларда ҳисобга олинади.

Энди фуқаро ойлик мажбурий бадални йил бўйи тўлар экан, йил охирида қайта ҳисоб-китоб ўтказилиб, унга қўшимча пул тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Бундан ташқари, баъзан амалиётда кўрилганки, айрим фуқаролар бошқалар билан келишмасдан уй учун харажат қилиб, кейинчалик бу сарфланган суммани ундирмоқчи бўлади. Бу масалага ҳам қонунчиликда ойдинлик киритилди. Энди бошқа мулкдорларнинг розилигисиз мулкдорлардан бири ёки бошқарув органи ёхуд бошқа шахс томонидан амалга оширилган асосланмаган харажатларнинг ўрни қопланмайди.

КВАРТИРАДА МУШУК АСРАШ МУМКИНМИ?

Қонуннинг концептуал жиҳатларидан яна бири шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари биринчи марта белгиланмоқда. Меъёрий ҳужжатда фуқароларнинг 5 та ҳуқуқ ва 15 та мажбурияти қайд этилган.

Шу билан бирга, қонунга биноан, квартирага фақатгина белгиланган мақсадга мувофиқ эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи белгиланди. Назаримизда, бу ҳуқуқ ҳам бошқа қонунлардаги худди шундай ҳуқуққа нисбатан чекланган тарзда баён этилгандек ва фуқаролик ҳуқуқи асосларига бирмунча тўғри келмагандай бўлиб кўринмоқда.

Сабаби, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этишидан иборатлиги қайд этилган. Шунингдек, Уй-жой кодексининг 23-моддасига кўра, фуқаро бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда квартирасидан бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақлидир.

Мазкур ҳолат фуқароларнинг мажбуриятларида ҳам яққол кўринади. Жумладан, фуқарога ўзига тегишли квартира ҳамда умумий мол-мулкдан қатъий мўлжалланган мақсадда фойдаланиш мажбурияти юкланди. Унинг хусусий мулкига нисбатан "қатъий" сўзини қўллаш билан мажбурият юклаш хусусий мулкка оид конституциявий ҳуқуқларнинг бироз чекланиши сифатида қабул қилиниши мумкин.

ЭНДИ ЯНАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАСИЗ...

Фуқаронинг уйга, санитария-техника жиҳозлари ва бошқа ускуналар (ичимлик сув қувурлари, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти, газ қурилмалари ва ҳоказо)га нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, сув, газнинг беҳуда сарфланишига йўл қўймай, улардан тежамли фойдаланиши шартлиги каби мажбуриятлар кўрсатилди.

Шу ўринда "тежамли фойдаланиш" ибораси ҳам муҳокамага сабаб бўлди. Масалан, фуқаро кунига уч маҳал ваннага тушса ёки кун бўйи телевизор кўрса, у сув ва электрни исроф қилган бўладими? Кунига неча марта ванна қабул қилиш ёки неча соат телевизор кўриш тежамли бўлади? Тежамкор фойдаланишни аниқлаш методологияси мавжудми? Хуллас, бу норманинг амалиётда ишлаши қатор саволлар пайдо қилади. Айниқса, фуқаро "мен пулини тўлаб қўйганман", деган важларни келтирганда.

Хонадонларда жониворларни сақлаш ва боқиш масаласи анча низоли ҳолатлардан ҳисобланади. Қонунчиликда бу масалага ижобий аниқлик киритилди. Энди фуқаро кўп квартирали уй ва умумий фойдаланишдаги жойларда уй ҳайвонларини сақлашга доир талабларга риоя этиши керак.

"ЭШИКНИ ОЧИНГ, "ЖЭК"ДАНМИЗ!"

Қонунда шахснинг уй-жойи дахлсизлиги ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолат — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимларининг қандай вазиятларда квартирага кириши мумкинлигига аниқлик киритилди.

Агар умумий мол-мулкнинг фақат мазкур жойдан кирилиши мумкин бўлган конструктив қисмларини текшириш, таъмирлаш ёки алмаштириш зарур бўлса, башарти мулкдор бу ҳақда олдиндан хабардор қилинса, кўп квартирали уйни бошқариш органи вакилларининг бу жойга киришига рухсат берилиши шарт.

Бироқ фалокатнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тезкор бартараф этиш зарур бўлган шошилинч ҳолларда ҳеч қандай огоҳлантиришсиз фуқаронинг уйига кириш мумкинлиги белгиланди. Шу билан бирга, фуқаро уйда йўқ бўлса ёки кириш чоғида бирор-бир буюм йўқолиб қолса, бу ҳолатлар масала қандай ҳал этилиши механизми қонунда назарда тутилмаган.

ҚОНУН ҚАЧОН КУЧГА КИРАДИ?

Мазкур қонун 2020 йил 1 августдан эътиборан кучга кириши белгиланган. Бироқ унда ҳуқуқий эксперимент ўтказиш назарда тутилган. Вазирлар Маҳкамаси шу йил 1 майгача Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида қонун нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказилишини таъминлайди.

Ҳуқуқий эксперимент якунлари бўйича 2020 йил 1 июнгача ушбу қонунни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида қўллаш тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига таклифлар киритилади.

Мазкур ҳужжат тартибга солмоқчи бўлган муносабатлар мураккаблиги, қонуннинг учинчи бор янги таҳрирда қабул қилингани ва ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши каби омилларни ҳисобга олган ҳолда қонун кучга киргунга қадар уни такомиллаштириш бўйича таклифлар келиб тушади. Натижада қонун янада мукаммал ҳолатга келади ва барча томонларнинг, хусусан, фуқаролар, бошқарувчи ташкилотлар ва давлат идоралари манфаатларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳисобга олади. Бироқ "dura lex sed lex" (қонун қанчалик кескин бўлмасин, у қонундир) тамойилига кўра, ҳар қандай ҳолатда барчамиздан қонунга риоя этиш талаб этилади.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТДА ФУҚАРОЛАРНИНГ 5 ТА ҲУҚУҚ ВА 15 ТА МАЖБУРИЯТИ ҚАЙД ЭТИЛГАН.

ИМКОНИЯТ

ИПАК ПАХТА:
УНИНГ ШУҲРАТИНИ ТИКЛАШ ИШЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Сурхондарёда баҳор барвақт бошланади. Бодом ва ўриклар гуллаганига анча бўлди. Иссиқхоналарда парваришланаётган помидор ҳосили қизара бошлади, бодринг қийғос гуллаб, ҳосил тугмоқда. Ғаллакорлар ёғиб ўтган ёмғирлардан сўнг майсаларни маъданли ўғитлар билан озиқлантиришга киришганлар. Сабзавоткорлар эса эртаги карам ва қизил лавлагини сўнгги марта озиқлантиряпти, плёнка остида экилган картошка униб чиққан далаларда парвариш бошланди.

Сурхондарёлик пахтакорлар баҳор келиши билан далаларга техникаларни олиб чиқишди. Ўтган йили шудгорлаб қўйилган майдонларни текислаб, пешма-пеш пушта олишяпти. Қиш бўйи лойқадан тозаланган каналу ариқларда сув оқа бошлади. Пушта олинган майдонлар чигит экиш олдидан суғорилянти. Ер тобга келиши билан чигит экишга киришилади.

Республика "Уруғчиликни ривожлантириш маркази"нинг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Беруний номидаги республика давлат мукофоти лауреати Бойниёз Жўраев билан суҳбатда воҳа хўжаликларида ингичка толали пахта етиштириш истиқболлари ҳақида сўз борди.

— Бу йил вилоят фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва кластер хўжаликларида ингичка толали пахтанинг қайси навларини кенг майдонларда экиш режалаштирилмоқда?

— Аввало айтиш керакки, пахтакорларимизнинг кайфияти жуда баланд. Чунки яқинда Вазирлар Маҳкамасининг "Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу эса воҳа заминида ингичка толали ғўза уруғларини катта майдонда ўстириш имконини беради. Азалдан вилоятимиз деҳқонлари ипак пахта етиштириб келган. Бежизга Сурхондарёга ипак пахтанинг ватани, деб таъриф берилмаган.

Ингичка толали навлар ғўзаси иссиқсевар. Гидрометеорология хизмати мутахассисларининг маълумоти бўйича, Мисрда ёз ойларидаги қуёш ҳарорати йиғиндиси 3 минг 281 даражага боради. Кўп йиллик кузатишлардан аёнки, Сурхондарёнинг жанубида ҳар йил мусбат ҳарорат йиғиндиси 4 минг 590 даражагача етади ва энг иссиқ давр 238–251 кунни ташкил қилади. Бундай иқлим шароитида ингичка толали пахта тўлиқ пишиб етилади. Демак, воҳа шароитида ингичка толали ғўза навлари мўл ва сифатли ҳосил беради. Шунинг учун бу мавсум Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланганидек, республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида жами 54 минг гектар майдонда ипак пахта етиштириш режалаштирилган бўлса, унинг 40 минг гектари вилоятимиз хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йил вилоят бўйича 74 минг гектар майдонда ғўза парваришлаш режалаштирилмоқда. Унинг 55 фоизини ипак пахта ташкил этади. Энг асосийси, вилоятда ингичка толали ғўзадан юқори ҳосил етиштира оладиган омилкор деҳқонлар жуда кўп.

— Таъкидланганидек, Сурхондарё вилояти шароити ипак пахта етиштиришга мос экан, нега кейинги йилларда бу нав пахтага эътибор камайди?

— Дарҳақиқат, ингичка толали ғўза навларини ўстиришга кам ер ажратилгани рост. Мисол учун, 1987 йили вилоят хўжаликларида жами 158,3 минг гектар ерга чигит экилган бўлса, унинг 132,6 минг гектарига ёки умумий пахта майдонининг 83,7 фоизига ингичка толали ғўзалар жойлаштирилган. 2019 йил 8,5 минг гектар далада ингичка толали ғўза навлари ўстирилди. Бунинг қатор сабаблари бор: биринчидан, ўрта ва ингичка толали пахта хомашёси харид нархи деярли бир хил эди. Иккинчидан, ипак пахта толасига харидорлар камайди. Ўрта толали пахта хомашёси кўпроқ талаб қилинди.

— Ипак пахта етиштиришнинг афзаллик томони нимада?

— Жорий йилда республика бўйича жами 54 минг гектардан ошиқроқ майдонга, жумладан, Сурхондарё вилоятида 40 минг, Қашқадарё вилоятида 6,5 минг, Бухоро вилоятида 5 минг ва Навоий вилоятида 1000 гектар ерга ингичка толали ғўзанинг "Сурхон-14", "Сурхон-16", "Сурхон-103", "Термиз-202" навли чигитини экиш белгиланган. Бу навлар маҳаллий бўлиб, Ўзбекистон пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари томонидан яратилган. Улар серҳосиллиги, эртапишарлиги, қурғоқчилик ва гармселга чидамлилиги, айрим касаллик ва зараркунандаларга бардошлилиги билан аввалги шу турдаги ғўза навларидан кескин фарқ қилади. Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари 1А, 1Б типга мансублиги билан аҳамиятли. Детирминант шохланиш типига эга. Унумдорлиги паст, сув танқис, қумлоқ, тошлоқ ерларда ҳам қўшқаторлаб экиш ҳисобига юқори ҳосил етиштириш мумкин. Бугунги кунда мазкур навлар пахта хомашёси нархи ўрта толали пахта хомашёсиникига нисбатан ҳар тонна ҳосибига 2,5-3 миллион сўм қиммат туради. Пахтакорга эса айнан кўпроқ даромад керак.

Сурхондарёнинг жанубий туманларида олиб борилган узоқ йиллик тажрибаларда ўрта толали ғўзаларга нисбатан ипак пахта ҳар гектар ҳисобига 3-6 центнергача кўп ҳосил бериши исботланган. Биологиясига кўра, илдиз тизими кучли ривожланади ва ёз ойлари айни иссиқ кучайган кезларда ҳам ҳосил элементларини кам тўкади, сувсизликка чидамли.

Яна бир далил. Пахта саноати марказий илмий-текшириш институти таҳлиллари бўйича ўрта толали пахта хомашёсининг бир тонна толасидан 8 минг 620 метр қиммматбаҳо газлама тўқилса, ингичка толали пахтаникидан 15 минг 150 метр мато тўқилади. Энг муҳими, ингичка толали пахтадан тайёрланадиган ип сифатли ва пишиқ бўлиб, саноат корхоналари дастгоҳларида мато тўқиш жараёнида камроқ узилади. Бундан ташқари, ипак пахта чигитидан кўпроқ ёғ олиш ҳам тажрибада исботланган. Кўринадики, ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш долзарб вазифалар сирасига киради.

— Бу йил республикамизда кенг майдонларда ингичка толали ғўза навларини жойлаштириш белгиланган экан, уруғликлар масаласи қандай ҳал этилган?

— Ўтган икки йил мобайнида вилоят фермер хўжаликлари далаларида ҳар йили ўртача 4-5 минг гектардан ерга ингичка толали ғўза ўстирилгани боис етарлича уруғлик пахта захира қилинган. Айни пайтда Шеробод ва Музработ туманларидаги ихтисослаштирилган заводларда 3 357 тонна сифатли уруғлик чигитни тозалаш, Ангор тумани пахта тозалаш корхонасида тайёр уруғлик чигитни дорилаш, Қумқўрғон туманидаги "Олтин чигит" қўшма корхонаси цехларида 1 300 тонна уруғлик чигитни кимёвий усулда туксизлантириш ва дорилаш давом этяпти. Уруғлик чигитнинг вилоят хўжаликлари эҳтиёжидан ортган қисми қўшни Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларига етказиб берилади. Қисқаси, Сурхон воҳаси деҳқонларининг ингичка толали пахта етиштириш бўйича шуҳратини тиклаш учун ҳар томонлама имконият яратилган.

Суҳбатдош
Усмонали НОРМАТОВ

Ўқув жараёни ҳам аввалгидай фақат синфда бўлмайди. Ўқувчилар ҳафтанинг 3 кунида коллежда назарий билим олади, 3 кунида корхонанинг ўзида, бириктирилган уста, мастер раҳбарлигида тўғридан-тўғри келажакда ишлайдиган иш ўрнида амалиёт ўтайди.

ИСЛОҲОТ

Аброр УМАРҚУЛОВ

Иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инновацион технологик янгиланишлар қачон самара беради? Қачонки ўрта бўғин кадрлари бу ўзгаришларни юракдан ҳис қилиб, энг замонавий билим ва малака талабларини ўзида жамлай олса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Негаки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларнинг саксон фоизи кичик мутахассислар.

КЕЛАЖАК КОЛЛЕЖЛАРИ

ЯНГИ КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Сўнгги йилларда кечаётган ислоҳотлар натижасида бу тизим ҳам бутунлай қайтадан ташкил этилди. Келаси ўқув йилидан бошлаб, янги тизимдаги касб-ҳунар коллежларида қабул йўлга қўйилиши кутилмоқда. Одамларда савол туғилиши табиий: янги касб-ҳунар таълими ўзини қанчалик оқлайди? Фарзандларимиз келажаги учун қандай имкониятлар яратиши мумкин? Шу каби саволларга аниқлик киритиш мақсадида сҳоҳа мутасаддилари билан суҳбатлашдик.

— Ҳозирда қилинган ишларнинг салмоғини тасаввур қилиш учун аввалги тизимдаги айрим камчиликларга бироз тушунтириш берсам, — дейди олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Муродулла Холмуҳаммедов. — Масалан, дунёнинг 130 дан ортиқ давлатида амал қиладиган миллий малака тизими Ўзбекистонда жорий этилмаган эди. Амалдаги таълим дастурлари халқаро стандартларга тўғри келмагани учун маҳаллий кадрларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига тўсқинлик қиларди. Шунинг учун бу муаммоларни чуқур ўрганиб, унинг ечимини топиш, касб-ҳунар таълимининг янги парадигмасини яратиш бўйича алоҳида фармон, қарор қабул қилинди. Эндиликда талаб ва мақсад битта — коллежда ўқиган ёшлар аниқ иш ўрнига, ўз касби бўйича зарур билимга, кўникмага эга бўлиши шарт. Яъни, аввалдан иш ўрни аниқ бўлади, иш берувчи ўзининг малака талабларини, шу касбнинг илмини, ўқитиш технологиясига доир таклифларини беради, шундан кейингина мутахассис тайёрланади.

Яратилаётган янги тизим халқаро андозаларга тўла мос бўлиши учун 14 та халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари ўрганилди. Швейцария, Жанубий Корея, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Осиё тараққиёт банки, Европа таълим фонди, Туркия ҳамкорлик агентлиги, Хитой университетлар уюшмаси каби қатор хорижий давлат ва ташкилотлардан жалб этилган 50 дан ортиқ нуфузли экспертлардан зарур хулосалар олинди. Шундан келиб чиқиб, энди касб-ҳунар таълими тизимида таълим шакли ҳам, мазмуни ҳам, принциплари ҳам мутлақо ўзгарди. Илгариги 3 йиллик стандартдан тўлиқ воз кечилди. Ишчи касблар билан ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш тизими бир-биридан тўлиқ ажратилди.

Янги тизим касб-ҳунар коллежлари уч тоифага ажратилди: касб-ҳунар мактаблари, кўп тармоқли коллежлар ва техникумлар.

КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИДА ЎҚИГАН ЎҚУВЧИГА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАЛАБ БЎЛАДИМИ?

Касб-ҳунар мактаблари республикамизнинг барча ҳудудларида меҳнат бозори талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши кутиляпти. Мазкур тоифадаги мактабларда умумтаълим муассасаларининг ўзлаштириши сусайиб бораётган 9-синф битирувчилари икки йиллик дастур асосида ўқитилади.

— Президентимиз раислигида шу йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди, — дейди Муродулла Холмуҳаммедов. — Мақсад аҳолининг ишбилармонлик уқувини шакллантириш ва ривожлантириш, пировардида эса кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлашдир. Бу мақсадга касб-ҳунар мактаблари ҳам хизмат қилади. Яъни, касб-ҳунар мактабларида ёшларга оилавий бизнес, томорқа бизнеси, ошпазхона, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик, балиқчилик каби соҳаларнинг илми, технологияси ўргатилади. Масалан, асаларичиликни ўрганаётган ўқувчи бир кун аудиторияда соҳанинг илмий асосини ўрганса, иккинчи куни, албатта, олган билимларини амалиётда синайди. Ўқувчилар олдингидек касбини фақат назарий эмас, балки касб-ҳунар мактабларида йўлга қўйиладиган тажриба участкаларида амалий ўрганади. Шу билан бирга ўқувчиларига 3 маҳал овқат, стипендия берилади.

Эътиборлиси, касб-ҳунар мактабларига ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 9-синф битирувчилари қамраб олинади. Бу тоифа ўқувчиларни касбга ўргатиш, малакали мутахассис сифатида меҳнат бозорига кириб келишига кўмаклашиш келгусида юртимизда камбағаллар сони ортишининг олдини олади. Шунинг учун ҳам ёшлар ўқишга қабул қилинган кундан эътиборан ўз шахсий бизнесини бошлаши ва битирган пайтда барқарор тадбиркорлик фаолиятига, аниқ иш ўрни ва даромадига эга бўлиши кўзда тутилган.

ИШ ЎРНИ АНИҚ БЎЛСАГИНА, КАДР ТАЙЁРЛАНАДИ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг соҳа ва тармоқларига кластер тизими кенг татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти ҳам янада ривожланмоқда. Келгусида бу жабҳалар учун кичик кадрлар кўп тармоқли коллежларда тайёрланади.

— Ҳар бир йирик корхона, кластер, вазирлик ва идора ўз йўналишида меҳнат бозорини пухта ўрганган ҳолда жорий ва истиқболда яратиладиган иш ўринлари, кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ўрта бўғин мутахассисларига малака талабини беради, буюртмалар портфелини шакллантиради, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси Салоҳиддин Санақулов. — Бир сўз билан айтганда, ҳар бир тармоқ аввалдан аниқ иш ўрни учун ўзига керак бўлган кадрни буюртма асосида тайёрлайди. Натижада ортиқча вақт, ортиқса ресурс сарфланмайди. Шунда битирувчининг иш ўрни ҳам кафолатланган бўлади.

Бу турдаги коллежларда мактаб ўқувчилари ва битирувчилари ҳам, катта ёшдаги аҳоли ҳам бемалол таълим олади. 11-синфни тамомлаган йигит-қизлар коллежларда кундузги, кечки ёки сиртқи шаклда ҳамда давлат бюджети ва тўлов-контракт асосида таҳсил олиши мумкин. Ўқиш муддати касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача.

Ўқув жараёни ҳам аввалгидай фақат синфда бўлмайди. Ўқувчилар ҳафтанинг 3 кунида коллежда назарий билим олади, 3 кунида корхонанинг ўзида, бириктирилган уста, мастер раҳбарлигида тўғридан-тўғри келажакда ишлайдиган иш ўрнида амалиёт ўтайди. Бу тизим Германия тажрибасида яхши самара берган "дуал" таълим тизими сифатида алоҳида эътироф этилган. Бошланғич ва ўрта профессионал таълим дастурлари бўйича таълим олганларга диплом ва гувоҳнома, касбга ўргатиш дастурлари учун эса сертификат ва гувоҳнома берилади.

Яратилаётган янги тизим халқаро андозаларга тўла мос бўлиши учун 14 та халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари ўрганилди. Швейцария, Жанубий Корея, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Осиё тараққиёт банки, Европа таълим фонди, Туркия ҳамкорлик агентлиги, Хитой университетлар уюшмаси каби қатор хорижий давлат ва ташкилотлардан жалб этилган 50 дан ортиқ нуфузли экспертлардан зарур хулосалар олинди.

ТЕХНИКУМДАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ИМТИҲОНСИЗ ЎТИШ МУМКИН

"Техникум" нималигини ёши катталар яхши билишади. Мамлакатимизда собиқ иттифоқ даврида бундай таълимдан воз кечилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингунига қадар ўрта махсус ўқув юртлари халқ тилида техникум деб аталарди. Бугун ушбу сўз яна халқ тилига қайтмоқда. Техникумлар — ўрта махсус профессионал таълим муассасалари маъно-мазмун ва аҳамияти жиҳатидан олдингисининг муқобили деганлар қаттиқ адашади. Янги ташкил этилаётган таълим тизимида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган бу тоифадаги таълим муассасалари таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос келувчи дастурлари асосида олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишларига интеграциялашган таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлайди.

— Яқин йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти учун долзарб йўналишлар бўлган ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида кадрларга бўлган талаб кескин ошади, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти бўлими бошлиғи Дадахон Хушмуродов. — Шунинг учун техникумларда қўшимча равишда кичик бакалаврлар тайёрлашни йўлга қўйиш жуда муҳим. Бунда олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциялашган кичик бакалаврлар (Associate degree) тайёрлаш бўйича кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида камида 2 йил муддатга мўлжалланган таълим дастурлари амалиётга жорий этиляпти. Чунки бугун олий таълим муассасаларига қамровни кескин ошириш кўзда тутилаётган бир пайтда касб-ҳунар коллежларининг базасидан самарали фойдаланилаётгани вақтни ҳам, маблағни ҳам тежашга хизмат қилади. Масалан, юртимизда Адлия вазирлиги тасарруфидаги ҳуқуқшунослик коллежлари шу тизимга ўтди. Яъни, 2 йиллик таҳсилдан сўнг ўқувчилар олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириш имконига эга бўлди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам 16 та техникум жорий этилиши белгиланган бўлиб, жорий ўқув йилида 5 та техникум ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, иш берувчи буюртмаси асосида мақсадли кадрлар тайёрлайдиган келажак коллежлари тармоғи нафақат ёшларимиз, балки бугун меҳнат бозорида ўз ўрнини топишни истаган аҳоли қатламлари манфаатларига хизмат қилади. Шунингдек, бу мамлакатимиз таълимининг жозибадорлигини янада оширади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

ИЛК БОР ВА БЕПУЛ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА МАЖБУРИЙ БИР ЙИЛЛИК ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Сўнгги йилларда болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида бу соҳага инновацияларни олиб кирган ҳолда боғчанинг турли муқобил шакллари фаолиятига рухсат берилмоқда. Давлат-хусусий шериклик, оилавий, мобил ва модулли боғчалар шулар жумласидандир.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш зарурлиги, бу йилдан бошлаб тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилиниши таъкидланган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилинган "Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш билан бирга, ҳар бир боланинг мактабга бир хил тайёргарлик билан боришига йўл очади. Сабаби, бу тизим мутлақо текин бўлиб, қарор билан тасдиқланган Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, тайёрлов гуруҳлари боғчаларда (боғча мавжуд бўлмаган ёки етарли шароит бўлмаганда бошқа мос биноларда) ташкил этилади. Энди боғчага боролмаган бола ҳам мактабгача тайёрловдан ўтади.

ТАЖРИБА МУВАФФАҚИЯТИ

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги "Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2018-2019 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида, Фарғона вилоятининг Фурқат тумани ва Қувасой шаҳрида ҳамда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Миробод, Бектемир, Учтепа, Яшнобод, Чилонзор, Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизими тажриба-синов тариқасида жорий этилди, — дейди Мактабгача таълим вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Санжар Обидов. — Тажриба-синов доирасида бу ҳудудларда ташкил этилган 494 та гуруҳда 11 мингдан ошиқ бола тайёрловдан ўтди.

Қарорга мувофиқ, жорий ўқув йилидан республиканинг барча ҳудудларида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизимига тўлиқ ўтилади.

БОЛА БОҒЧАГА БОРМАСА-ЧИ?

Мамлакатимизда барча болалар ҳам мактабгача таълим ташкилотига жалб қилинмаган. Қарорда мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар учун алоҳида тайёрлов гуруҳлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу вазифа Мактабгача таълим вазирлиги зиммасига юклатилган.

Бундан ташқари, ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион технологиялар, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш, тайёрлов гуруҳларини миллий-тарихий қадриятларни акс эттирадиган ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган ўқув-методик, дидактик материаллар, ақлий ривожлантирувчи ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, тайёрлов гуруҳларини ташкил қилишда мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини кенг жорий этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Шунингдек, мазкур идора бир ой муддат ичида тайёрлов гуруҳларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш чораларини ҳам кўриши зарур.

СЕРТИФИКАТ БЕРИЛАДИ

Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ҳамда улардан ташқари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган кун (бир ҳафтада камида 15 соат таълим-тарбия жараёни) режимида ташкил этиладиган тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари бошланғич таълимга тайёргарликдан ўтган деб ҳисобланса, мажбурий бепул бир йиллик тайёрловдан озод этилади. Боғчаларда ёки бошқа мос биноларда ташкил этилган мажбурий бир йиллик тайёргарликка жалб этилган болаларга эса бошланғич таълимда мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат берилади.

ТАЙЁРЛОВ МУДДАТИ

Тайёрлов гуруҳларининг фаолияти жорий ўқув йилида 2020 йил 10 мартдан бошланиб, 20 августда тугайди, — деди Санжар Обидов. — 2020-2021 ўқув йилидан ҳар йили 2 сентябрдан бошланади ва кейинги йилнинг 25 майида ниҳоясига етади. Машғулот вақти 3-4 соат бўлиб, таълим-тарбия жараёни бир ёки икки сменада ташкил этилади. Гуруҳдаги болалар сони эса 30 нафардан ошмаслиги белгиланган.

Қарор билан тасдиқланган 2020–2025 йилларда болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичларига кўра, 2024-2025 ўқув йилига келиб 6 ёшдаги болалар мактабгача таълим билан 100 фоиз қамраб олиниши кўзда тутилмоқда.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Набираларим "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан АҚШ, Буюк Британия ва Италия давлатларининг нуфузли олий ўқув юртларини якунлаб, ҳозирда турли идораларда меҳнат қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 14 март, 37-сон

ЁШЛАР СИЁСАТИ

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ

САЙЁҲЛАР ЭЪТИБОРИДАГИ МАСКАН

Рисолат МАДИЕВА

Ёшликнинг шижоати янги ғояларни рўёбга чиқариш ва мақсадни амалга ошириш борасидаги қатъиятда яққол намоён бўлади. Ана шу қувватини мамлакатимиз ривожи йўлида сарф этаётган ёшлар орасида тадбиркорликнинг замонавий соҳалари бўйича изланиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётганлари бисёр. Жумладан, сўнгги йилларда юртимизда туризм соҳасини тараққий эттириш, бу бўйича жаҳон тажрибасидан ўтган фойдали амалиётларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ёшлар ҳам пешқадамликка интилмоқда.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори соҳа ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Малайзиянинг SEGI университетида менежмент бошқаруви, туризм ва меҳмонхона фаолиятини юритиш йўналишида таҳсил олиб қайтган Бобур Абдужалолов ана шундай имтиёзлардан фойдаланиб, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида оилавий корхона очиш орқали юртимизда туризм ривожига муносиб ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилди. У "EVENTS TRAVEL" оилавий корхонасини ташкил этар экан, туризм соҳасида улкан салоҳият мавжуд мамлакатимизнинг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари хорижий сайёҳларни тобора ўзига ром этаётгани, улар учун барча қулайликларга эга, шинам ва хавфсиз шароит яратиш, шу билан бирга, оила даромадини ошириш ва фаровонлигини таъминлаш мумкинлигини назарда тутди.

Бобур ушбу лойиҳаси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёш ишбилармонлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловида иштирок этиб, ғолиб бўлди ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритди. Ишни ўзининг турар жойини оилавий меҳмонхонага айлантиришдан бошлади. Тўғрироғи, ҳовли-жойини қайта қуриб, таъмирлашга киришганида атрофдагиларнинг ҳайрати янада ошди. Зеро, оилавий меҳмонхона барпо этиш, сайёҳлар эътиборини тортиш осон эмас. Аммо мақсадга ўз-ўзидан эришиш мумкин эмаслигини аввалбошдан англаган Бобур аҳдида қатъий туриб, ишда давом этаркан, тажриба билан билими уйғунлашгани сайин машаққати енгиллашаётганини ҳис қилди. Асосан сайёҳларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган "National Hostel" оилавий меҳмонхонаси 42 ўринга мўлжалланган бўлиб, барча қулайликларга эга. Меҳмонхонанинг катта залида ёшлар ташкилоти билан ҳамкорликда турли тақдимотлар, молия, бошқарув ва хорижий тажриба, янги технологиялар, оила ва психология, спорт ва бошқа қизиқарли мавзуларда семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Меҳмонхонада ёш ишбилармоннинг оила аъзоларидан ташқари 10 нафарга яқин ходим хизмат кўрсатади.

— Асосий мақсадимиз сайёҳларни юртимизнинг қадимий Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлари, тарихий обидалари, бетакрор табиати, урф-одат ва анъаналаримиз билан яқиндан таништириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий, маданий, туризм салоҳиятини намойиш этишдир, — дейди Бобур Абдужалолов. — Шу орқали мамлакатимизда туризм индустрияси ривожига муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

Ёшларни ички туризмга кўпроқ жалб қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш, уларга соҳа сирларини ўргатиш мақсадида тренинглар, турли ўйин, мусобақа, фестиваль ва концертлар уюштириш кўзда тутиляпти. Булар мутлақо текин амалга оширилади.

— Ёшлар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, — дейди Бобур Абдужалолов. — Шу боис, хорижда ёш сайёҳлар манфаатлари ҳимоясига давлат алоҳида эътибор қаратади. Экологик туризм ривожланган аксарият мамлакатларда касаба уюшмалари томонидан тоғли ҳудудларда ёшлар турбазалари барпо этилган. Бу ерга дунёнинг турли ҳудудидан ёш сайёҳлар келади. Латвияда "Ёш саёҳатчилар клуби" фаолияти йўлга қўйилган. Номдор меҳмонхоналар уларга имтиёзли хизмат кўрсатади. Масалан, бир ойда бир марта 50 нафар ёш сайёҳ текин жой билан таъминланади. Ёшлар клуби эса доимий ҳамкор сифатида жойларда меҳмонхонани тарғиб этади. Бу амалиётни мамлакатимизда ҳам қўллаш мумкин. Тадбиркорлар рекламага йўналтирилган маблағлари ҳисобидан ёшлар учун шундай имтиёз яратса, шунинг ўзи самарали реклама вазифасини ўтайди. Дунё ёшлари ҳар қандай маълумотни, жумладан, сайёҳлик турлари, бормоқчи бўлган мамлакатидаги шарт-шароит, энг арзон меҳмонхона, темир йўл ва авиачипталарга чегирмаларни интернет орқали излайди. Ўзбекистон ёшлар туризми ҳақида эса интернетда деярли маълумот йўқ.

Навқирон авлод вакилларининг саёҳат маданиятини ошириши юртимизда ёшлар туризми тараққий этишига туртки бўлиши лозим. Зеро, ўтмиш билан фахрланиб, келажак сари шижоат билан дадил одимлашда туризмнинг ҳам ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

ЁШЛАРНИ ИЧКИ ТУРИЗМГА КЎПРОҚ ЖАЛБ ҚИЛИШ, БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ, ЮРТИМИЗНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ, УЛАРГА СОҲА СИРЛАРИНИ ЎРГАТИШ МАҚСАДИДА ТРЕНИНГЛАР, ТУРЛИ ЎЙИН, МУСОБАҚА, ФЕСТИВАЛЬ ВА КОНЦЕРТЛАР УЮШТИРИШ КЎЗДА ТУТИЛЯПТИ. БУЛАР МУТЛАҚО ТЕКИН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

"ТОКИО-2020" ЙЎЛЛАНМАСИ СОҲИБЛАРИ

МАҚСАД САРИ

ИНТИЛУВЧАН, ТИРИШҚОҚ ВА ШИЖОАТЛИ

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, халқаро тоифадаги спорт устаси Светлана Радзивилнинг ютуқлари нафақат республикамиз енгил атлетикачилари, балки жаҳон ва Осиёдаги ушбу спорт тури мутахассислари, мураббийлари, спорт мухлислари томонидан ҳам эътироф этилади. У енгил атлетиканинг баландликка сакраш турида Ватанимиз довруғини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиздан бири саналади.

Светлана Радзивил 2019 йил октябрь ойида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионатида 1,96 метр натижани қайд этиб, олтин медаль қатори Токио Олимпиадаси йўлланмасини ҳам қўлга киритди. Шу тариқа у ўз фаолиятида Олимпиада баҳсларида Ўзбекистон шарафини тўртинчи бор ҳимоя қиладиган бўлди. Светлана бунгача Пекин (2008), Лондон (2012) ва Рио (2016) Олимпиадаларида ҳам иштирок этганди.

Светлана Радзивил жорий йил февраль ойида Францияда қишки мавсумнинг сўнгги турнирида муваффақиятли иштирок этиб қайтди. Париж шаҳрида ўтган енгил атлетика бўйича анъанавий "Meeting elite en salle féminin du Val d'Oise" халқаро турнирида у 1,93 метр баландликни забт этган ҳолда мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. Аслида унинг шахсий рекорди 1,98 метр. Лекин Света бу гал уни забт эта олмади. Сабаби, ёзги мавсум эндигина бошланмоқда. Бу мусобақа спортчи учун чигалёзди вазифасини ўтади.

Бугун Светлана Радзивил "Янгиобод" спорт мажмуасида мураббийи Олим Аҳмаджонов билан машғулотларга зўр бермоқда.

— У мақсадга интилувчан, тиришқоқ ва шижоатли спортчи, — дейди Олим Аҳмаджонов. — Агар олдига бирор натижа кўрсатишни мақсад қилса, ортга чекинмайди. Мусобақаларда ғалаба қозониш учун бор кучини аямайди. Ўтган "Рио–2016" Олимпиадасининг финалида унинг омади чопмади ва 9-ўрин билан кифояланди. Бу галги Олимпиадада муносиб иштирок этиш учун махсус дастур асосида режадаги машқларни давом эттиряпмиз.

Унинг сафдошлари — баландликка сакрашда Надья Дусанова, кўпкурашда Павел Андреев ҳамда Осиё чемпиони Екатерина Воронина ҳам Олимпия йўлланмасини қўлга киритишга яқин турибди. Улар ҳам машғулотлар давомида Светани доимо қўллаб келади.

Светлана Радзивил спорт фаолиятида кўрсатган юксак натижалари учун 2007 йили "Шуҳрат" медали, 2013 йили "Дўстлик" ордени ҳамда 2019 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" унвони билан тақдирланди.

— Спортчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор учун мамлакатимиз раҳбариятига, Миллий Олимпия қўмитасига ва бошқа мутасаддиларга миннатдорлик билдираман, — дейди Светлана. — Ўз навбатида, биз спортчилар ҳам зиммамиздаги маъсулиятни ҳис этган ҳолда Токио Олимпиадасида муносиб иштирок этиш ниятидамиз.

Светланани бир нечта халқаро мусобақалар кутиб турибди. У машғулотларда янада тобланмоқда. Бу эса спортчимизнинг "Токио–2020" ўйинларида совриндорлар сафидан жой олишига кўмаклашади.

ЭҲТИРОМ

ОНАЛАР БОР, ОЛАМ МУНАВВАР

Гулсумхон ШОДИЕВА

Дунё яралибдики, она энг азиз, энг улуғ, муҳтарам ва меҳрибон зот сифатида улуғланади. Хусусан, кўҳна шарқда аёл доимо эъзозу эътиборда бўлиб, унинг оналик мартабаси ва шаънини ҳимоя қилиш орият мезони саналади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар гал она деган латиф каломни эшитганимизда, беихтиёр алла жарангини, она меҳрини туямиз.

"Ер юзида онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзод муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуғлаб, шарафлаб келади. Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўътабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор...

Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди. Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари ғоят муҳим роль ўйнагани аён бўлади", — деди Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида давлатимиз раҳбари.

Шу маънода айтганда, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги муносиб хизматлари учун Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланганлар қаторида буюк инсонларимизнинг умр йўлдошлари ҳам борлиги алоҳида эътиборга молик. Ана шундай бахтли онахонларимиз қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти, улуғ санъаткор Зикир Муҳаммаджоновнинг умр йўлдоши Машкура ая Иброҳимова ҳам бор.

Машкура ая бу йил 98 баҳорни қарши олди. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган бу эъзоз ва эътибордан эса аянинг қалби янада севинчга тўлди. Куни кеча Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Э.Боситхонова бу табаррук онахон хонадонига баҳорий кайфият ва қувонч улашиш мақсадида ташриф буюрди. Машкура аянинг жамият ва давлат ҳаётида фаоллиги, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ҳамда миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасидаги ибратли фаолияти учун "Мўътабар аёл" кўкрак нишонини тақдим этди. Машкура ая кўксига тақилган унвонга шодон боқаркан, ортдаги умридан қониқиш, масрурлик сезди.

— Зикир ака билан 80 йил муқаддам, яъни 1941 йилнинг февраль ойида турмуш қурганмиз, — дейди ая. — Турмушимизнинг дастлабки пайти суронли уруш йилларига тўғри келди. Зикир ака қалб амри билан Чкалов номидаги 84-ҳарбий заводда фидокорона ишлар эди. Мен эса Тошкентдаги бадиий тўқимачилик фабрикасида фронт учун керакли кийим-кечаклар тикардим. Биз етти йилгача фарзанд кўрмадик. Бундан ота-онам қаттиқ ташвишланиб, қийналарди. Боиси мен оилада ягона фарзанд эдим. Отамнинг 1943 йили фронтга кетаётиб айтган сўнгги гаплари ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглаб турибди: "Афсус, кўзим очиқлигида, набирали бўлмай урушга кетаяпман...". Отам фронтга кетгач, орадан кўп ўтмай, ундан қорахат келди...

Ниҳоят, 1947 йилнинг ёзида тўнғич ўғлимиз туғилди. Сўнгра бирин-кетин яна фарзандли бўлдик.

Шу ўринда айтиш лозимки, аёлга дахлдор бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. У кириб бормаган, эгалламаган соҳа қолмаган. Оиланинг боши — турмуш ўртоғининг уйдаги, ишдаги, кўчадаги кайфияти, фарзандининг тақдири, хонадон осойишталиги, тинчлиги, хотиржамлиги — ҳаммаси аёлга боғлиқ. Шунинг учун аёл буларни тушуниши, ҳис қилиши шарт.

– Умр йўлдошим билан 72 йил тотув яшадик, 5 фарзандни вояга етказиб, уларнинг барчасини олий маълумотли, ўз соҳаларининг етук мутахассислари, ватанга содиқ шахслар этиб тарбияладик, — дея гапида давом этди Машкура ая Иброҳимова. — Оналар учун фарзандлар камолидан ортиқ бахт бўлмаса керак, назаримда. Уч ўғлим ҳуқуқшунос. Уларнинг икки нафари тиббиёт ва юридик фанлар соҳасида профессор бўлса, қизимдек азиз беш нафари келинимнинг икки нафари тиббиёт фанлари номзоди. Набираларим "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан АҚШ, Буюк Британия ва Италия давлатларининг нуфузли олий ўқув юртларини якунлаб, ҳозирда турли идораларда меҳнат қилмоқда. Яқинда қиз набираларимдан бири хорижда ўтказилган халқаро танлов ғолибаси бўлганлиги менинг қалбимни қувончга тўлдирди.

Ўзимни мустақил юртимизнинг бахтли аёли деб биламан. Менинг камтарона меҳнатимни эъзозлаганлари учун Президентимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Дарҳақиқат, бугун буюк момоларимизнинг издошлари, замондош оналаримиз ёнимизда. Улар давр билан ҳамнафас, юрт ишқи, келажаги, қувонч ва ташвишларини елкалаб, оила тинчлиги, фарзандининг бахту камоли ҳақидаги ширин ҳис-туйғуларини юрагида ардоқлаб яшаяпти.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 986.
43186 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 00:45 Топширилди — 01:50 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Алишер Азимов
Навбатчи: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15